

Xabar

46
(947)-son

12-noyabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Бугун интернет тармоғидаги қатор салбий хусусиятлар, жумладан, у узатаётган ахборотлар ичида ишончсизлари бисёрлиги тўғрисида жуда кўп гапирилмоқда. Аммо глобал тармоқ талабага дарсларини тайёрлашда кўмакчи, ходимларга иш жараёнида асосий воситачи, тезкор почта хизмати, ахборотлар қидириш ва узатишдаги бениҳоя енгиллик яратаётгани ва бу вазифалари натижасида ёрдамчисига айланганини инкор этиб бўлмайди. Шу ўринда бир нарсани назардан қочирмаслик керак, интернет бундай хусусиятларни ўзда жамлаган ягона тармоқ эмас. Интернет фаолиятини бошлагунча мавжуд бўлган, шунингдек, айни кунда баъзи ташкилотлар ва соҳаларда қўлланилаётган худудий (локал) ҳамда келяжақда жорий қилиниши кутилётган Абилни, Жинг каби тармоқлар шулар жумласидандир.

Интернет

АЦР:Т/ИИ
Ягона тармоқ эмас

5-бет

Ахборот-кутубхоналар фаолиятида ислохотлар

Республика кутубхоначилик ишидаги катта ўзгаришлар кутубхоналарнинг ахборотлаштириш томон кескин ўгирилишига, маданий-оқартув муассасасидан ахборотлаштирилган ижтимоий-маданий тузилмага айланишига замин яратиб, шу орқали кутубхоначилик иши "ахборот-кутубхоначилик сиёсати"га олиб келинганлигини қайд этиш мумимдир. Ўтган даврларда кутубхоналарга мумкин қадар кўпчилик учун чекланган манбалардан фойдаланиш имкониятини яратиш вазифаси қўйилган бўлса, ҳозирги пайтда ахборот-кутубхона муассасаларининг асосий вазифаси аҳолининг барча қатламларини, айниқса, мамлакатимиз ёшларини миллий ва дунёдаги бор ахборот-маълумотлардан баҳраманд қилиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинганидан кейин ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти ахборотлаштириш томон ўзгарганини қайд этиш мумкин.

3-бет

Сўнгги янгилик!

Washington Post газетасининг хабар тарқатишича, TeliSonera оиласига мансуб Ncell (Непал) телекоммуникациялар гуруҳи дунёнинг энг баланд Ҳимолай тоғининг 17000 фут (салкам 5200 метр) баландлигида 3G мобил станциясини ўрнатди. Демак, энди учинчи авлод мобил алоқаси алпинистларнинг ҳам қорига ярайди, зарур бўлганда улар видеоқўнғироқ орқали мулоқотга киришадилар. Илгари бунинг учун улар йўлдошли телефонлардан фойдаланишарди.

Ушбу сонда:

- Мақсад: етук мутахассис кадрлар тайёрлаш 2
- АРМ — фермерлар хизматида 4
- Новое учебное пособие 6
- Йўлқира телефонда тўланади 11
- Янги луғатлар 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan umagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Қарорга кўра, жорий йилнинг 16 ноябри дам олиш куни деб белгиланиб, мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланадиган бўлди.

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз иш-ни бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатиши такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссиясининг йиғилиши ўтказилди.

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг вилоятдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳамда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамкорлигида “Одил судловни амалга оширишда халқаро стандартлар: амалга татбиқ этиш масалалари” мазундаги икки кунлик халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Бухорода “Барқамол авлод йили Давлат дастури” доирасида “Энг яхши қишлоқ врачлик пункти” республика кўриктанловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловда она ва бола саломатлиги муҳофазаси, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати каби мезонлар бўйича Вобкент туманидаги “Ҳожувон” қишлоқ врачлик пункти биринчи ўринга лойиқ қўрилди.

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспо-марказ”да 5-7 ноябр кунлари Озарбайжон Республикасининг миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада мазкур мамлакатнинг деярли барча минтақаларидан ёқилғи-энергетика, транспорт, қурилиш, ахборот технологиялари, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, маданият, сайёҳлик, экология каби соҳаларда фаолият юритувчи 170га яқин компания ва корхона ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этди.

Мақсад: етук мутахассис кадрлар тайёрлаш

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Ҳаким Мухитдинов университетнинг Фарғона филиалига ташриф буюриб, бу ерда филиал профессор-ўқитувчилари, водийдаги Агентлик тизимига қарашли барча корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

“ТАТУнинг бешта филиали бор. Ҳўш, бу олий ўқув юртида юксак малакали кадрлар тайёрланиши? Ўрганишлар, устоз ва талабалар билан бўлган суҳбатлардан маълум бўлдики, дарслар сифати пасайиб кетган. Соҳа раҳбарлари билан ҳамкорлик йўқ даражада. Университет ўз йўналишида, филиаллар ўзича ишлаяпти.

Республикамизнинг турли соҳаларига қанчадан-қанча инвестициялар киритилди, киритилмоқда. Эртага бу ишларни ким олиб боради, техникаларни ким эксплуатация қилади? Бешала филиалда ҳам асосан магистр, ассистентлар дарс беради. Баъзилари бир неча фандан ҳам дарс бераверади. Ваҳоланки, ассистентга дарс бериш чегараланган.

Қисқаси, университетга молиявий ёрдамга катта эътибор берилгани ҳолда ўқув жараёни, билим бериш сифати назардан четда қолиб келган. Масофавий таълим, видео-конференциялардан кенг фойдаланилмаяпти. Амалиёт ўташ, илмий иш қилиш масаласи — бу, нафақат университетнинг иши, корхона ва таш-

килотларнинг ҳам иши бўлиб қолади. 2-3 кунлик амалиёт талабага нима беради? Талабани ЛАШга, кроссга, автозалга киргизмасак, кўз билан кўрмасак, қўл билан ушламаса, қўлини кавшарлагичда кўйдириб олмасак, у қандай қилиб яхши мутахассис бўлиб чиқсин. Шу боис, филиаллар ҳам зарур техникалар билан таъминланади. Бундан буён ҳатто илмий ишлар масъулияти ишлаб чиқариш раҳбарларига ҳам юкланади. Ахир, соҳа истиқболни учун улар ҳам баб-баравар жавобгар-ку!

Шуни унутмайликки, 2015 йилга бориб, илмий унвони бўлмаган ўқитувчи дарсга қўйилмайди. Соҳага фан докторлари керак. Ахир, соҳада ҳар уч ойда техника ўзгаради. Ҳадемай водийга рақамли телевидение кириб келади. Бу техникани юксак даражада биладиган юқори малакали кадрлар керак бизга”.

Бош директор ўз сўзида ана шу масалаларга батафсил тўхтади. Талабаларни, барча ёш ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, илмий ишларга тортиш, (шу ўринда

ёшларнинг илмий салоҳиятини оширишга катта аҳамият берилганлиги, жумладан, номзодлик диссертациясини ёқлаган олим 3 млн. сўм, унинг илмий раҳбари эса 2 млн. сўм, докторлик диссертациясини ёқлаган олим 6 млн. сўм, унинг маслаҳатчиси 3 млн. сўм билан қўллаб-қувватланишини эслатиб ўтди), педагог жамоаларнинг таркибини ёшартириш, соҳанинг тараққиёти учун масъул бўлган мутахассис инглиз, рус тилларини билиши қанчалар муҳим эканлиги, диплом ишларини эскирган қурилмаларда ёқлашларга чек қўйиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари, Ҳаким Мухитдинов ТАТУ Фарғона филиалида ҳам йўл қўйилган камчиликларга қисқача тўхталиб, уларга барҳам бериш юзасидан йўл-йўриқлар, тақлифлар ва кўрсатмалар берди. Ўқитувчилар, корхона раҳбар-ҳодимлари сиёсий ва маънавий билимларини ошириб боришлари шартлиги, китоб ўқиш эҳтиёжи ҳақида гапириб, мамлакатимиз раҳбари Исрол Қаримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарини ўзларига дастуриламал қилиб олишлари зарурлигига диққатни қаратди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

Тежамкорлик — молиявий барқарорликдир

➔ QAROR VA IJRO

“Ўзбектелеком” АКнинг “UzNet” филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда “Ўзбектелеком” АКнинг тегишли фармойиши ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда филиалнинг барча ишчи-ҳодимлари иштирок этди.

Йиғилишни филиалнинг тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари Галина Гафурбекова олиб борди. У йиғилганларга “Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор мазмун-моҳияти, жумладан, мазкур қарор қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда республикада қоғоздан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, ушбу мақсадларда ахборот-коммуникация технологияларини ва тизимларини жорий этиш самардорлигини ошириш, шунингдек, бошқарув ва ижро этувчи аппаратлар фаолиятини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида қабул қилинганлиги хусусида тушунтиришлар берди.

Айтиш мумкинки, ҳўкуматимизнинг ушбу долзарб қарорини бажариш давомида филиалда қоғозни тежаш борасида 2009

йилга нисбатан салмоқли натижага эришилди. Қоғоздан самарали фойдаланиш мақсадида филиалда ҳам, “Ўзбектелеком” АКда ҳам электрон ҳўжат айланиши тизими татбиқ этилган. Буюртмаларни электрон почта ва веб-сайтлар орқали қабул қилиш йўлга қўйилган. Филиалда электрон ҳўжат айланиши тизимини тўлиқ ишга тушириш имкониятлари мавжуд. Муҳокамалар давомида электрон ҳўжат айланиши тизимидан тўлақонли фойдаланиш ва шу орқали филиалда қоғозни тежаш-тергашда янада юқори кўрсаткичларга эришиш вазифалари белгилаб олинди.

— Филиалимизда электрон ҳўжат айланиш тизими аллақачон жорий этилган, — дейди Г.Гафурбекова. — Айни дамда тизим имкониятларидан 70-80 фоиз фойдаланяпмиз. Абонент бўлимидаги барча иш жараёнлари, ҳисоботлар, ички ёзишмалар, топшириқлар, ходимларимиз ҳақидаги маълумотлар махсус серверда сақланади. Бундан ташқари, “Evflat” уланиш тизими мавжуд. Амалга оширилган бу ишлар, чора-тадбирлар натижа-сида жорий йилда қоғоз сарфимиз ўтган йилга нисбатан икки мартага камайган. Бу, албатта, филиалимиз молиявий ҳўлатига ижобий таъсир кўрсатади. Ортиқча харажатларга йўл қўймаслик, тежамкор бўлиш — бу маблаг-ни бошқа йўналишларга, масалан, филиалимиз моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга, янги технологияларни жорий этишга, иш унумдорлигини кўтаришга ва шу орқали ходимларимиз моддий манфаатдорлигини оширишга йўналтиришга имкон яратди.

Усмонжон ЙўЛДОШЕВ



Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, II боб, 14-модда

(Давоми. Бошлангичи 1-бетда.)

Янги услубдаги кутубхонанинг биринчи галдаги вазибаси ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот технологиялари бўйича малака ошириш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, ўзининг электрон ахборот-ресурсларини шакллантириш, нафақат доимий китобхонларига, балки ахборот истеъмолчиларининг янги тоифаси — ишбилармонлар, бизнесменлар, фермерлар ва потенциал инвесторларга ҳам хизмат қилувчи ва ахборот етказиб берувчи виртуал кутубхоналар ташкил этишдан иборатдир.

Ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий негизини яратиш мақсадида ахборот-кутубхоначиликка оид 55та давлат-

билан таъминлаш, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, турли тизим кутубхоналари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш масалалари талаб даражасида эмас.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятидаги ижобий натижалар, соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан таъсис этилган "Kutubxona.Uz" журналида ёритилиб борилмоқда.

Юқоридаги таъкидланган муаммолардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятида келгусида ҳал этилиши зарур бўлган қуйидаги бир қатор долзарб масалалар мавжуд:

- ахборот-кутубхоначиликнинг

"Кутубхоналар — халқимиз маънавий камолотини ошириш учун хизмат қилаётган миллий маданиятимизнинг бир қисми".

И.КАРИМОВ

- ахборот технологиялари базасида китобхонларга, биринчи навбатда, ўқувчилар ва талабаларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ривожлантириш;

- электрон каталоглар, библиографик маълумотлар базаларини тузиш, мамлакатнинг йиғма электрон кутубхона каталогини яратиш орқали ёшларни ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлишини таъминлашга замин яратиш.

Миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, та-

борот-кутубхона институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ва мувофиқлиги бўйича муносабатларни мустаҳкамлаш;

- ахборотга эркин эгаллик қилиш ва маънавий юксалиш, миллий ва жаҳон маданияти қадриятларига уйғунлаштириб бориш ҳуқуқларини таъминлаш;

- ахборот-кутубхона институтларининг миллий ва жаҳон ахборот ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашда асосий ҳуқуқий ҳужжат вазибасини бажариш.

Ахборот-кутубхоналар фаолиятида ислохотлар

лараро стандартлар давлат тилида қабул қилинди ва иккита миллий стандарт ишлаб чиқилди.

Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига қўйилган асосий вазибалардан бири — универсал ахборот-ресурсларни, миллий ва хорижий нашрларнинг (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун шароитлар яратишдир. Бугунги кунда ахборот-кутубхона марказлари фонди 5 млн. нусхага яқин бўлиб, уларнинг электрон каталоги 200 мингдан ортққ эъзвини ташкил қилади. Ҳар бир АКМ ўзининг фонди асосида электрон нашрларни ҳам яратиш ишларини амалга оширмоқда.

Барча ахборот-кутубхона ва йирик ахборот-ресурс марказлари ZiyoNET ахборот тармоғига уланган.

Ҳозирги кунда электрон ресурслардан ташкил топган электрон кутубхоналар, йиғма электрон каталог яратиш учун корпоратив каталоглаштириш марказини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда. Ахборот-кутубхона марказлари олдида нафақат электрон каталог, балки тўла матнли маълумот базалари яратиш, йиғма электрон каталог орқали ахборот ресурсларини бирлаштириш каби вазибалар турибди. Электрон ресурслар яратиш борасида Республика ахборот-кутубхона маркази 2009-2011 йиллар мобайнида қарточкали каталогларини электрон каталог кўринишига ўтказиш (ретроконверсия), китобларнинг электрон коллекциялари, электрон журнал ва газеталарни яратиш каби ишларни режалаштирган.

Ахборот-кутубхона тизимидаги эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ахборот-кутубхона муассасалари фондларини босма ва электрон нашрлар билан бойитиш, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар ҳамкорлиги, кадрлар тайёрлаш ва ахборот-кутубхона муассасаларини кадрлар

норматив ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш;

- бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, фондларни шакллантириш учун молиялаштиришни ошириш;

- Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетиде "Ахборотлаштириш ва кутубхонашунолик" таълим йўналиши бўйича махсус сиртқи бўлимларни очиш (кутубхоначи ходимларга ишдан ажралмаган ҳолда таълим олиш имкониятини яратиш ва шу билан кутубхоначи кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш);

- ахборот-ресурс марказлари томонидан аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш даражасини кўтаришга эришиш;

- республикадаги мавжуд барча ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигига эришиш.

Таъкидланган масалаларнинг тўлиқ ва тизимли равишда амалга оширилиши нафақат ахборот-кутубхона муассасаларини, балки республика фани ва иқтисодиётининг янада жадал ўсишига ҳамда ёшларнинг сиёсий маданиятини оширишга ёрдам беради.

"Баркамол авлод йили Давлат дастури"да замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона фаолиятини янада такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган принципаал жиҳатдан янги ахборот-ресурс марказларини ташкил этишни кўзда тутуви Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим этишининг киритилиши ҳам бежиз эмас. Қонун лойиҳаси қуйидагиларга йўналтирилиши билан аҳамиятлидир:

- ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона фаолиятини ташкил этиш, унинг фаолияти кўрсатиши ва ривожланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш;

рихий-маданий меросни сақлаш, фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида ахборот-кутубхона муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборот-кутубхона фондларидан ўзаро фойдаланиш борасида умумий қабул қилинган тамойилларни жорий қилиш долзарб вазибага айланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 2 июл куни "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди. Аини кунда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида махсус ишчи гуруҳ қонун лойиҳаси устида фаолият олиб бормоқда.

Қонун лойиҳаси 6 боб ва 25 моддадан ташкил топган бўлиб, унинг асосий мақсади ахборот-кутубхона фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тамойили ва меъёрларига асосан ҳуқуқий бошқариш ва ривожлантиришдан иборатдир.

"Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши қуйидагиларни таъминлайди:

- ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида давлатнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш, ахборот-ресурсларини шакллантириш орқали ахборот, маданий-маърифий, таълимий жараёнларни ривожлантириш бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг янги турини шакллантириш;

- кутубхоналарнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари сифатида янги мавқени белгилаш;

- республика ахборот-кутубхона тизимини мукамаллаштириш;

- ахборот-коммуникация технологияларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-кутубхона институтлари фаолиятининг асосий тамойилларини декларациялаш;

- турли идораларга тегишли ах-

Қонун ахборот-кутубхона институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиялаштириш, фондларини тўлдириш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ахборот-кутубхона институтлари ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, айниқса, айрим тоифадаги фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг алоҳида шартларининг белгиланиши билан янада аҳамиятлидир. Ушбу норманинг киритилиши билан жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона ресурсларини махсус ахборот манбаларидан олиш, ихтисослашган техник воситаларни етказиб бериш ва улардан фойдаланиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратиш кафолатланади.

Қонун олдида турган асосий вазибалардан бири ахборот-кутубхона иши соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ва ахборот-кутубхона қонунчилиги асосида ахборот-кутубхона институтлари фаолиятини давлат томонидан бошқариш механизмини яратишдан иборатдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг электрон кутубхона тизimini босқичма-босқич шакллантириш бўйича комплекс талбирларни амалга ошириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш дастурини яратишга йўналтирилган қарор лойиҳасини ишлаб чиқишнинг киритилиши ҳам, албатта, мақсадга мувофиқдир. Бу дастурнинг амалга оширилиши билан аҳолининг, айниқса, ёшларнинг миллий ва халқаро ахборот-кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланишини ҳамда уларнинг сиёсий маданиятини оширишга қаратилган имкониятлар билан таъминлашга эришамиз.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Xalqaro hayot

ФРАНЦИЯДА ПЕНСИЯ ИСЛОХОТИ

Касаба уюшмалари ҳамда франциялик миллионлаб кишилар норозилигига қарамай, Франция Конституциявий кенгаши пенсия ислохотини маъқуллади.

АФР хабар беришича, энди қонун лойиҳаси имзолаш учун президент Никола Саркозига юборилди. Аввалроқ президент бир неча марта ушбу ислохот Франция учун зарурлиги, чунки ички тизимда пенсия фондиди тўлдириш имкониди йўқлиги — фонд давлат қарзининг ошиши ҳисобига молиялаштирилишини маълум қилганди.

Франция фуқаролари айна дамда агар пенсия бадалларини 40,5 йил мобайнида тўлаган бўлсалар 60 ёшдан, белгиланган йилдан кам муддат тўлаганда эса 65 ёшдан пенсияга чиқади. Реформада пенсияга чиқиш 62 ва 67 ёш этиб белгиланган. Бундан ташқари, 2018 йилдан бошлаб пенсия бадалини тўлаш муддати 42 йилни ташкил қилади.

Сентябрдан буён мамлакатда ислохотга қарши миллий акциялар, иш ташлашлар ўтказилмоқда.

КОНГОДА АВТОХАЛОКАТ

News 24 хабар беришича, Конгода содир бўлган автохалокат оқибатида 42 нафар киши ҳалок бўлган, уларнинг 16 нафари болалардир.

Конго ҳукумати ҳалокатга йўлларнинг жуда ёмонлигини сабаб қилиб кўрсатмоқда. Африкадаги ушбу мамлакат дунёда энг қашшоқ ҳисобланиб, йўлларни таъмирлашга умуман маблағи йўқ.

Бу мамлакатда кўпга конголиклар асосий транспорт воситаси сифатида қайиқлардан фойдаланишди.

КИРИЛЛЧАН ВОЗ КЕЧИЛАДИ...МИ?

Қозғистон келажакда кириллчандан воз кечиб, лотин алифбосига ўтишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат маданият вазири Мухтор Қўлмуҳаммад маълум қилган.

“Мен мутлоқ ишонманки, эртами-кечми биз буни амалга оширамиз, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда, — деган вазир. — Ушбу масала вақти-вақти билан жамоатчиликда муҳокама қилинапти. Мамлакат раҳбари бу масала юзасидан “рози”лар ва “қарши”ларнинг фикрини атрафлича ўрганиш борасида топшириқ берди”.

Шунингдек, вазир мазкур масала сиёсий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлаган. “Буларнинг барчаси белгилар ҳолос, шу боис бунда ҳеч қандай сиёсий қараш мавжуд эмас. Алифбо миллий қарашларни англамайди”, — изоҳ берган Қозғистон маданият вазири.

Туркия-Озарбайжон: КУРОЛЛАНИШДАГИ ХАМКОРЛИК

Туркияда озарбайжонлик муҳандислар томонидан яратилган “Истиқлол” номли снайперлик қуролининг янги версияси ишлаб чиқариладиган бўлди. Бу ҳақда “Макина ва Кимия” (МКЕК) ташкилоти бош директори Унал Ўнсипоҳиёуели АРА агентлигига маълум қилган.

Унал Ўнсипоҳиёуелининг айтишича, озарбайжонликлар билан тузилган шартномага кўра, Озарбайжон мудофаа вазирилик мутахассислари тайёрлаган “Истиқлол” снайперининг IST-12,7 модели МКЕКда тайёрланди.

“Айни дамда ушбу йўналишда ишлар олиб борилмоқда. Ўз навбатида, технологиялар алмашиш жараёни кетяпти”, — деган Ўнсипоҳиёуели. Шунингдек, у бу қурол қатор хусусиятларга эга эканлигини ва, албатта, Туркия қуролли кучларида ўз ўрнини топишини таъкидлаган.

Интернет материаллари асосида
У. ЙУЛДОШЕВ тайёрлади

Фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлаш, кишлоқ мулкдорларининг даромадини ошириш, уларда техникадан самарали фойдаланиш, тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш, фермерларни конунлар, давлатимиз раҳбарларининг тегишли фармон ва қарорлари, сиёсий, иқтисодий соҳадаги янгилликлар, хориждаги кишлоқ хўжалигига оид илғор тажрибалар билан таништириш мақсадида Фарғона вилояти фермерлари учун Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали қошида ахборот-ресурс маркази ташкил этилди.

АРМ — фермерлар хизматида

Марказ вилоятдаги фермерларга экология масалалари, агротехника қоидалари ва соҳага оид бошқа билимларни ўргатади. Шунингдек, ушбу марказ интернетга уланган бўлиб, компютер саводхонлиги ҳамда тегишли ҳужжатларни тайёрлаш каби хизматларни кўрсатмоқда. Бу ерда мурожаат этувчилар учун яна бир қўлайлик яратилди, яъни “Янгилликлар” ҳамда “Фермерларнинг эҳтиёжлари ва таклифлар” стендлари ташкил этилди.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги

лойиҳалари координатори ҳамда “MASHAV” халқаро ҳамкорлик маркази томонидан фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислари ҳамда АРМ менежерлари учун “Чўлланиш — қурғоқчилик ерларининг тикланиши” мавзuida ўқув семинари ташкил этилди. Семинар якуни бўйича АРМ томонидан худудларда ҳам семинарда олинган маълумотлар асосида ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Фарғона вилояти филиали АРМ

билан ҳамкорликда “Фермер хўжалиги қошида муқобил бизнесни ташкил этиш” мавзuida семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда 20 нафар фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари таклиф этилиб, уларга семинар дастуридан ташқари АРМ фаолияти таништирилиб, ахборот-буклетлар тарқатилди.

Марказда кишлоқ хўжалиги инфратузилмасига кирувчи маҳаллий ва хорижий ташкилот ва корхоналар рўйхати ва уларнинг алоқа реквизитлари ҳақида ахборотнома тузилиб, соҳага оид адабиётлар картотекаси фермерларга тақдим этилмоқда.

Муҳаммаджон
МАҲМУДОВ

Кузда келган кун

Лавха

Шотир акадан, табиат фаслларининг қай бири сизга ёқди, деб сўрадик. У ҳеч иккиланмай кузни тилга олди. Бундай меҳр-муҳаббатга далил ҳам худди жавобдай тез айтилди. Билдикки, олтин куз Шотир Норовга фақат баракатли бўлгани учунгина эмас, дунёга келган кунни насиб кўргани сабабли ҳам қадрли экан.

Бу йил сентябр ойининг йигирма тўртинчи куни Норовлар хонадон одатгадигдек, фақатгина ўғил-қизлар, хешу ақрабоблар билан тўлмади. Балки, Сурхондарё радиотелевидение узатиш маркази жамоасидаги ҳамкасблар ҳам гулдаста билан ташриф бузоришиди. Шунинг ўша куни Шотир аканинг қутлуғ олтиш ёшлик тўйи сабаб энг яхши эзгу-тилаклар билдирилди.

— Биз меҳнат фахрийси Шотир Норов билан ҳақиқ рившида фахрланамиз, — деди марказ раҳбари Мусо Лолахонов. — Жамоамизда кўп самарали хизмат қилди. Мураббий сифатида муносиб шоғирлар етиштирди. Шунинг учун у корхонамиз фахрийлари сафидан муносиб ўрин эгаллади.

Ҳамкасбларининг яхши кунда билдирган дил-истаклари Шотир акага кўтаринки кайфият бахш этди, азиз умрининг ўтган кунлари зое кетмаганлигига шуқур қилди. Бундай мартаба-ю матлабга юқори лавозимларни эгаллабмас, балки олдий касби билан муяссар бўлди. Машинист-компрессор сифатида Учқизил радиотелевидение узатиш станциясида қарийб чорак асрдан бери меҳнат қилиб келмоқда. Бир қарашда унинг вазифаси кўринмас ишдай туюлади. Бироқ, юқори қувватли лампалар жойланган иншоотни ўз вақтида совутиб туриш сув билан ҳаводай зарур. Айниқса, ёзнинг жазирама кунлари бу эҳтиёжга талаб янада ошади. Кичик

хато катта муаммога, қимматли вақтнинг бой берилишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Ваҳоланки, Учқизил радиотелевидение узатиш маркази ҳам Ховдак, Вахшвор шохобчалари каби радио ва телеканалларни элга узатиб турибди. Демак, шундай катта ва савоб ишда олдий касб эгаси Шотир Норовнинг ҳам ўз ўрни бор.

Шотир ака Термиз тумани “Халқобод” фермер хўжаликлари уюшмасидаги серфарзанд оилалардан бирининг бошлиғи. Ўғил-қизлари бугун ҳаётдан ўрнини топиб, бахтли турмуш кечираётган экан, бу қувонишга арзирли. Шотир Норов шу ҳақда ўйларкан, Тўлқиний опадек муносиб йўлдоши борлиги билан гурурланиб қўяди. Негаки, у оила бекаси сифатида бурчини сидқидилдан бажарган ҳолда кишлоқ болалар боғчасида ҳам хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир кишининг қариганда меҳнат пенсиясига чиқиши ва ижтимоий муҳофазага олиниши кафолатланган. Жорий йилнинг кузида нишонланган табарқур кун Шотир Норовга шундай имкон эшигини очди. Жамоа аҳли уни катта ҳурмат-эҳтиром билан пенсияга қўзиб қўйишди. Аммо Шотир аканинг қадрдон жамоасидан узоқлашиш нияти йўқ. Алоқа фахрийси қарорига Учқизил радиотелевидение узатиш маркази жамоаси ҳам яқдил бўлишди. Шундай экан, меҳнатсевар ва фидойи замондошимиз Шотир ака Норовга мустақкам соғлиқ, кўтаринки кайфият тиланган ҳолда ҳорманг энди, мураббий, деймиз.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Xabar”ning

Сурхондарё вилоятидаги мухбири



Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

«Ўргимчак тўри»нинг «акалари

ARPANETнинг пайдо бўлишини глобал тармоқнинг илк қадами деб аташа бўлади. Бу ҳақида бугунгача жуда кўп гапирилган. Шунингдек, интернетнинг тарихи тўғрисида гап кетганда, одатда, ARPANETга тўхталинади. «Википедия» электрон манбасида берилишича, 1969 йили АҚШ Мудофаа вазирлиги Advanced Research Projects Agency Network номли келажакда ривожланиши кўзда тутилган компьютер тармоғини яратди. У бугунги интернетнинг бошланғич хусусиятларини ўзида жамлаган эди. Умуман олганда шакллари ҳар хиллик бўлса-да моҳият битта эди. Мазкур тармоқ бутун дунёдаги биринчи тармоқ бўлиб, 1983 йилнинг январидан илк бор ахборотлар узатган.

Орадан кўп ўтмасдан 1984 йилда иккинчи тармоқ NSFNet (National Science Foundation Network — Миллий Фан федерацияси тармоғи) ўз фаолиятини бошлади. Унинг пайдо бўлиши бугунги интернетнинг яратилишига иккинчи асос бўлиб хизмат қилган. Унинг алоҳида эътибор қаратса бўладиган жиҳати — университетларро алоқани вужудга келтирганидир. Бошқача айтганда, тармоқнинг бу авлоди илмий ҳаётга янгиликлар киритишни лозим топган эди. Қизиқарли жиҳати, NSFNet учта кичик тармоқ — CSNET, Usenet ва Bitnetларнинг ўзаро бирикувидан пайдо бўлган эди. Шунинг учун уни иккинчи тармоқ дейишга ҳам иккиланиш пайдо бўлади. Аммо глобал аҳамиятга эгалиги сабабли интернетнинг «ўртанча акаси» дейишимиз мумкин. У ARPANETга қараганда такомиллашган бўлиб, 56 кбит/с тезлик билан ишлаш имкониятига эга бўлганда кўзга ташланади. Янги тармоқнинг асосий кўзда тутган мақсади илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотларини бир марказга улаш эди. Бу қадам глобал тармоқ энди оддий одамлар қўлига ўтишига ўзига хос ишора эди. Аввалига NSFNetга 10 000 компьютер уланди. Тез орада исмини интернет деб ўзгартирган тармоқ 1990 йил ARPANET тармоғини сиқиб чиқарди. Шундан кейин интернет ўзининг қўламини кенгайтириб, бутун дунё бўйлаб қулочларини ёйди. 1992 йил январда 12 млрд. ахборот пакетларини узатди. Бу 1 трлн. байт ахборот дегани эди. Орадан икки йил ўтиб эса 44,736 Мбит/с тезлик билан ахборотлар узатилишини таъминлашга эришилди.

Қизиқарли жиҳати, номи интернетга ўзгарган бўлишига қарамай NSFNet ҳали ҳам бор. У ўзининг олдинги йўналиши, яъни суперкомпьютерлар ёрдамида илмий имкониятларни бирлаштиришга хизмат қилади. Айни пайтда NSFNet базасида рақамли алоқани таъминлашга бемисл тезликка эришишга бел боғлаган машҳур Интернет2 лойиҳаси яратилган.

Худудий боғланиш глобалдан муҳимми?

Ўзаро ахборот алмашув жуда зарур бўлган жараёнга айланб улгурди. Интернетга уланмай туриб, фақатгина компьютер имкониятлари тўғрисида кичик доираларда тармоқлар ташкил этишга ҳам эҳтиёж сезилмоқда. Ишхона ва баъзи худудлардаги интернетдан кўчирма қилиб олиниб, инсонларни ўзаро ахборот алмашувида хизмат қилувчи тар-

Интернет

ягона тармоқ эмас

моқлар бор. Шундай тармоқлардан бири CAN (Controller Area Network — контроллер (техника ишида ёрдамчи аппарат) номини олган бўлиб, уни sanoat тармоғи дейиш ҳам мумкин. «Sanoat тармоғи» ҳар хил ижро этувчи мослама ва қабул қилувчи ҳамда узатувчи қурилмалар ташкил топган, ўзининг йўналиши бўйича ягона ҳисобланади. Шунингдек, завод ва фабрикаларда кенг қўлланилади.

LAN (Local Area Network) маҳаллий тармоқини компьютернинг оддий хизмати дейиш ҳам мумкин. «LAN» атамаси кичик офис тармоғи маъносига ҳам қўлланилади ва мазкур тармоқ каттароқ худудли ташкилотлар учун мўлжалланган. Эсласангиз, компьютер менюсида «тармоқ доираси»га кўзингиз тушган. Бугун жуда кўп ташкилотлар, муассасалар бу хизматдан фойдаланади. Тармоқ ходимларнинг фаолият жараёнини осонлаштиришга хизмат қилади. Баъзи «кичкина тармоқлар» битта ташкилотни эмас, каттароқ худудларни бирлаштиришга бел боғлаган. Бундай тармоқлар MAN (Metropolitan Area Network) деб аталади. Уни «шаҳар тармоғи» деб номлаш ҳам жорий қилинган. Лекин у битта шаҳар миқёсидаги эмас, бир неча шаҳарлардаги ташкилотларнинг филиалларини ҳам бирлаштира олади.

WAN (Wide Area Network)ни маҳаллий, худудий тармоқ дейишга ҳам иккиланиш қоламиз. Чунки у анчагина глобал миқёсда хусусиятларни ўзида жамлаган. У катта худудлардаги маҳаллий тармоқларни ўзига бириктиради. Эътиборлиси, унинг хизматида истаган одам фойдаланиши мумкин.

Келажак

«пост-интернет»ники!

2007 йилда япониялик олимлар коммуникацион тармоқнинг янги авлодини, яъни ҳозирги мавжуд гло-

бал тармоқ интернетнинг ўрнини эгаллаб, уни сиқиб чиқара оладиган янги тармоқни лойиҳалаштиришга киришишди. Бу ҳақида Япония алоқа вазир Иосихидэ Суга маълум қилган эди. Янги тармоқнинг одамлар эътиборига тушган жиҳати, унда ахборот узатиш тезлиги юқори даражадалиги, шунингдек, у амалиётга жорий қилинадиган бўлса, вируслар ҳужуми ҳам қўрқинчли бўлмай қолишилади.

Яна шунини таъкидлаш керакки, Япония бу борадаги тадқиқотлар билан шуғулланаётган биринчи мамлакат эмас эди. Интернетни такомиллаштириш юзасидан ундан олдинроқ АҚШ ва Хитой ҳам уринишлар олиб боргани маълум. Бу эса такомиллаштириш жуда муҳим жараёнга айланб бораётганидан нишондир. Бу каби назарий уринишлар «Интернет2» лойиҳаси деб аталмоқда. Агар олимларнинг бу борадаги назариялари амалиётга жорий қилинадиган бўлса, ахборотлар узатилишининг бемисл тезлиги ва ахборотлар хавфсизлиги таъминланган бўлади. Яратилаётган тармоқ анча тез, ишончли ва хавфсиз ахборотлар узатиши кутилмоқда. У ҳатто «пост-интернет» номини олишига ҳам улгурди.

Ҳали техник деталлари ноаниқ бўлишига қарамастан, лойиҳа бир қатор саволларни пайдо қилмоқда. Кўпчиликни, хусусан, янги тармоқ эскисидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши қизиқтирмоқда. Албатта, ҳозирги интернет имкониятлари етарлидай туюлгани билан, умуман, идеал эмас. technofresh.ru сайтида берилган маълумотларга қараганда, бугунги тармоқдаги IPV.4 протоколи 4 миллиарддан кўп (4 294 967 296) бўлмаган IP манзилларининг мавжудлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам 1995 йили IPV.6 протоколи пайдо бўлди. IPV.6 эса 340 282 366 920 938 463 463 374 607 431 768 211 456 миқдорда манзиллар билан ишлаш имконини беради. Лекин ўша

пайтдаги тармоқ фойдаланувчиларининг камлиги IPV.4 протоколинини амалиётда қолишига сабаб бўлган. Лекин шиддаткорлик билан вазият ўзгарди. Бу орада интернетнинг хизматлари ҳам кўпайиб борди. Жорий қилинган мултимедияли контентлар (онлайн-ўйинлар, IPTV, HDTV ва ҳ.к) одамларни ўзига жалб қилди. Энди бу лойиҳани амалга оширишга эҳтиёж сезила бошлади. Янги лойиҳанинг асосий ўзига хослиги ахборотларни сиқиб узатилишидир.

АҚШда «Интернет2» консорциуми тайёрланаётган лойиҳанинг асосий яратувчларидан саналади. Яратилаётган тармоқ АҚШ худудидан ишлади ва 207 нафар таълим ва илмий марказларни бирлаштиради, деб хабар беради Дейли Телеграф. Унинг ҳам асосий назарда тутатган масаласи IPV.6 тармоғида ахборотлар узатишидир. Шу билан бирга, лойиҳанинг асосий назарияси тармоқнинг ишлаш тезлигини секундига 100 гигабитгача олиб чиқиши мўлжалланган. Ҳаттоки, япониялик ва АҚШлик мутахассислар ҳамкорликда 32 минг км. масофага 9,08 Гбит/с тезлик билан интернетнинг ишлашига эришишди, деган хабар ҳам интернет сайтларида пайдо бўлди. Бу интернет 100 гигабит тезликка эришди, деганидир. Демакки, тадқиқотлар натижасида ҳозирча керакли натижаларга эришилмоқда. Бу тезлик тармоқдаги ҳар бир сегментда ўн гигабитлик каналлардан фойдаланиш орқали эришилиши назарда тутилган эди. Консорциум вакилларининг таъкидлашича, асосий мақсад тезликни оширишдир. Яна шунини таъкидлаш керакки, яратилаётган тармоққа бутунлай янги деб қараш керак эмас, у ҳозирги мавжуд глобал тармоқнинг иккинчи авлодидир. Агар «Интернет2» ўзининг бор имкониятини ишга солса, ҳозирги интернетдан 100 маротаба тезроқ ишлайди.

Бу тармоқлардан ташқари, таълимга оид мулти-гигабитли GEANT каби тармоқ лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, бугун бу тармоқ Европадаги 3500 маориф ташкилотларини ўзига бириктирган. GEANTнинг ахборот узатиш тезлиги 1 дан 12 гигабит секундгача чиқади.

Такомиллашув

тараккиётга хизмат қилсин

Компьютер қаршисида ўтириб, бир асарни юклаб олар эканман, вақтим жуда озлигини, уч дақиқа кутишга ҳеч сабрим чидамаётганини ҳис қилдим. Бугун вақтга нисбатан муносабат ўзгарган. Шунинг учун ҳам интернетни такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Бундан ташқари, «Интернет2» таклиф қилаётган имкониятлар, хизмат турлари ҳам қизиқтириб қолаётгани рости. Ахир, тармоққа уланиш (символ) орқалигина виртуал музей ва кинотеатрларга ташриф буюриш, ҳар хил шоулар ва интерфаол ўйинларда иштирок этиш, ҳеч қандай қийинчиликсиз хоҳлаган ТВ канални томоша қилиш кимга ёқмайди. Қолаверса, ишхонада ҳам худудий тармоқнинг борлиги яна бир имконият, яна бир энгилликдир.

Хуллас эътибор, тезкорлик, хавфсизлик илм ва фан ютуқларини етказишга, одамлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишга қаратилади экан, интернетнинг бу такомиллашуви ва худудий тармоқларнинг оммалашуви тараккиётга хизмат қилиши шубҳасиз.

Новое учебное пособие

Издательством «ФАН»
выпущено в свет учебное
пособие
«Основы
исследования
систем связи
и передачи
данных на
персональном
компьютере».



Учебное пособие раскрывает возможности использования в образовательном процессе информационных технологий и специализированного программного обеспечения при изучении и освоении теоретического материала по основным исследованиям систем связи и передачи информации. Разработаны 40 лабораторных стендов по таким фундаментальным разделам, как исследование сигналов и их спектров, принципы аналого-цифрового преобразования сигналов, модуляция, демодуляция, фильтрация и генерация сигналов, исследование корректирующих кодов. К каждому стенду даны подробные методические указания, математические модели процессов, принципиальные схемы, последовательность выполнения работы, контрольные вопросы. Книга предназначена для специалистов в области телекоммуникационной связи и студентов технических вузов.

Тайваньские производители ЖК-панелей потянулись в Китай

Тайваньские производители ЖК-панелей получили одобрение от своего правительства на строительство производственных мощностей в Китае. Ранее о разрешении инвестировать в Китай сообщила Корея.

Samsung и LG на данный момент уже согласовали проекты по строительству своих современных заводов по изготовлению ЖК-панелей с правительством Китая. Их тайваньские коллеги также не намерены упускать возможности для роста своего бизнеса. Предполагается, что в борьбу за долю китайского рынка готовы вступить четыре крупнейших производителя из Тайваня.

Стремление глобальных производителей ЖК-панелей на китайский рынок вполне объяснимо. По прогнозам аналитиков DisplaySearch, в 2010 году телевизионный рынок в Китае вырастет на 30% и составит 46 млн шт., из них 39 млн. телевизоров будут использовать ЖК-дисплеи. В будущем году, как ожидается, китайский рынок увеличится еще на 9% до 49 млн шт. При этом общий объем ЖК-телевизоров вырастет до 46 млн шт.

Уголовная ответственность за перепрошивку мобильных

ГВУД Москвы предложило ввести уголовную ответственность за перепрошивку мобильных телефонов.

«Российским законодательством ответственность за данное деяние не предусмотрена, а компаниям сотовой связи безразлично, какой идентификационный номер у телефона, подключенного в сеть, — главное, если услуги связи оплачены. На наш взгляд, для разрешения данной проблемы следует предусмотреть уголовную ответственность», — заявил представитель пресс-службы ведомства Сергей Гуляев.

Перепрошитые «серые» аппараты должны, по плану ГВУД, попасть в черный список мобильных телефонов, которые будут автоматически блокироваться мобильными операторами по IMEI-коду. По данным аналитика Mobile Research Group Эльдара Муртазина, количество «серых» телефонов на российском рынке составило примерно 4 миллиона штук.

Сербия получила интернет-домен на кириллице

Сербия получила собственный интернет-домен на кириллице «.срб», говорится в сообщении регулятора интернета корпорации ICANN. Таким образом Сербия стала второй после России страной, за которой закреплен собственный кириллический домен.

В свою очередь, сербский регистратор доменных имен (RNIDS) сообщает, что начало регистрации доменного имени «.срб» запланировано на вторую половину 2011 года.

АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ «УЗБЕКТЕЛЕКОМ»

ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ (ТЕНДЕР)

по закупке оборудования сети передачи данных, терминалов беспроводной связи и волоконно-оптического кабеля для филиалов Акционерной компании «Узбектелеком»

Тендерные торги проводятся по следующим Лотам:

- Лот №1 — поставка ADSL модемов для расширения сети широкополосного доступа на базе технологии ADSL2+
- Лот №2 — поставка оборудования DSLAM для расширения сети передачи данных
- Лот №3 — поставка стационарных терминалов стандарта CDMA-450 для развития абонентской базы филиала «Узбектелеком Мобайл»
- Лот №4 — поставка мобильных терминалов стандарта CDMA-450 для развития абонентской базы филиала «Узбектелеком Мобайл»
- Лот №5 — поставка волоконно-оптического кабеля.

Вид тендера — открытый.

В тендере могут принимать участие иностранные или отечественные производители или поставщики оборудования, закупаемого в рамках тендера.

Заказчиком оборудования по тендеру является Акционерная компания «Узбектелеком».

Адрес: Республика Узбекистан, 100000 г. Ташкент, ул. Амира Темура 24. Телефон: (998 71) 239-23-51, 239-23-52, 239-23-57, 239-23-66, факс: (998 71) 236-01-88, E-mail: dep@uztelecom.uz.

Рабочим органом Тендерной комиссии является ООО «УзАлокаКонсалтинг».

Адрес: Республика Узбекистан, 100000 г. Ташкент, ул. А. Толстого, 1. Телефон: (998 71) 221-31-11, 221-88-94, 977-99-04 факс: (998 71) 221-88-95. E-mail: alieva@consalting.uz, bikmetov@consalting.uz.

За информацией участники тендера могут обращаться в рабочий орган ежедневно с 10.00 до 17.00 по местному времени (кроме субботы и воскресенья) до окончания срока принятия тендерных предложений.

Стоимость тендерной документации по каждому Лоту для иностранных участников тендера составляет 300 долларов США, а для отечественных участников тендера — 500 тыс. сум. Оплата третьих лиц за Тендерную документацию запрещается. Указанная стоимость Тендерной документации по каждому Лоту выплачивается Заказчику и не подлежит возврату.

За приобретением тендерной документации необходимо обратиться с запросом в рабочий орган — ООО «УзАлокаКонсалтинг».

Максимальная стоимость поставки оборудования по каждому Лоту составляет:

- Лот №1 — 500 000 (пятьсот тысяч) долларов США.
- Лот №2 — 950 000 (девятьсот пятьдесят тысяч) долларов США.
- Лот №3 — 650 000 (шестьсот пятьдесят тысяч) долларов США.
- Лот №4 — 650 000 (шестьсот пятьдесят тысяч) долларов США.
- Лот №5 — 900 000 (девятьсот тысяч) долларов США.

Срок поставки оборудования по всем Лотам составляет 45 банковских дней с момента поступления предоплаты.

Финансирование — собственные средства Акционерной компании «Узбектелеком».

Тендерные предложения принимаются Заказчиком до 17.00 часов ташкентского времени 10 декабря 2010 года по адресу: Акционерная компания «Узбектелеком» 100000 г. Ташкент, ул. Амира Тимура, 24, 6-этаж, 615 комната.

Тендерные предложения оформляются и принимаются отдельно по каждому Лоту.

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

МАКЕДОНИЯ

Македония миллий почта хизмати (Makedonska Posta)га 1992 йилда асос солинган бўлиб, 1993 йил 12 июлидан Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо қилиб олинган. Ташкил этилган илк паллаларидан замонавийлаштиришга жиддий киришилди: хусусан, янги халқаро йўналишлар очилиб, пойтахт Скопедда бош почта маркази ишга туширилди, замонавий автотранспорт келтирилди.

Makedonska Posta почта, молия, ҳуқуқ, ҳодимларни ўқитиш ва маркетинг бўлинмаларини ўзида жамлаган.

Почта ва телекоммуникациялар вазирлиги лицензиясига мувофиқ, Makedonska Posta — мамлакатда почта хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга ягона оператордир. Компанияда 2400дан ортиқ ҳодим меҳнат қилади, унинг 300дан зиёд алоқа бўлимларидан иборат тармо-



**БОЛҚОН
МАМЛАКАТЛАРИДА
ПОЧТА**

нига 170та автомобил хизмат кўрсатади. Ташкилот аънанавий почта хизматлари кўрсатиш билан бирга молия ва логистика соҳаларида ҳам муваффақиятга эришмоқда. Македон почтаси ўз тарихида илк бор 2009 йилда фойда олишни уддалади. Айни пайтда молиявий хизматлар, тезкор етказиш ҳамда гибрид почта бўйича амалиётлар сони кўпайётгани қайд этиляпти. Шунга қарамасдан, универсал почта хизматлари — 2 килограммгача бўлган почта йўланмалари ва 31,5 килограммгача жўнатмаларни олиш, саралаш ва етказишни таъминлаш долзарблигини йўқотган эмас. KPMG халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда жорий йилдан қисман хусусийлаштириш режасини амалга ошириш бошланади. Шу йўл билан почтачилар ўз фаолиятларида давлат иштирокини камайтириш ва, аксинча, оқсаётган соҳаларга хусусий сармояни жалб этиш орқали универсал хизматларни янада ривожлантиришга умид қилишяпти.

Македония почтаси турли тижорий компаниялар билан фаол алоқада. Почта компаниялар ўртасидаги ҳужжатлар алмашинувини таъминлайди. Шу йил баҳорда Makedonska Posta электр ҳисоблагичлар кўрсаткичларини автоматик кузатиш ва ҳисобларни чиқариш тизимини жорий этган мамлакат электр энергияси ташкилоти — EVN Macedonia билан ҳам ҳамкорлик битимини имзолади.

ХОРВАТИЯ

1990 йилнинг 10 октябрида Хорватия Республикаси парламенти «Хорватия почта ва телекоммуникация хизмати» (НРТ) номи остида давлат компанияси ташкил этиш режасини тасдиқлади. Бу қарор янги компания-

ни мамлакат ҳудудида шу пайтгача фаолият кўрсатган 13та ташкилотнинг қонуний меросхўрига айлантирди. Ўтган йиллар давомида ягона хорват почтаси муҳим кўрсаткичларга эриша олди.

НРТ 1992 йили Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо бўлиб кирди, 1993 йилда эса Европа почта операторлари ассоциацияси (PostEurop) таъсисчиларидан бири бўлди.

1999 йил 1 январида мамлакат почта ва телекоммуникациялар соҳалари алоҳида ташкилотларга ажратилди. Мазкур санадан эътиборан Хорватия почтаси мустақил акциядорлик компанияси сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Бугунги Хорватия почтаси тўрт департамент: почта, тармоқ, тезкор элтиш ва қўллаб-қувватлаш йўналишларидан иборат. Уларда жами 12 минг киши меҳнат қилади.

Почта хизматларини ривожлантиришга ҳамда ҳанг равишида компания молиявий фаолиятта жиддий эътибор қаратган ва айтиш керакки, мазкур соҳадаги хизматлари кенг оммалашмоқда. Бунда барча хизматларнинг «ягона ойна»да йўлга қўйилганлиги катта рол ўйнагани шубҳасиз. Почта бўлимига келган ҳар бир киши истаган тўловини истаган шаклда — нақд пул ва пластик карталарда ёки банкдаги ҳисобидан кўчириш орқали амалга ошириш, мамлакатнинг йирик ёки тижорий банкларидаги ўз ҳисобидан пул олиш, қолаверса, жуда қўллаб тизимлар орқали пул ўтказмаларини амалга ошириш имкониятига эга.

Хорватия почта бўлимларида фуқаролар пенсия ва нафақаларини олиши, коммунал тўловларни банкдаги ҳисобдан автоматик тўлашни расмийлаштириши мумкин.

ЧЕРНОГОРИЯ

Черногория почта хизмати (Posta Crne Gore) мамлакат почта ва телекоммуникациялар вазирлигининг икки давлат агентлигига ажралиши натижасида, 1998 йилнинг 31 декабрида ташкил топган. 2006 йил 26 июлига келиб Черногория Бутунжаҳон почта иттифоқи аъзосига айланди.

Posta Crne Gore юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади. Почта ташувларини мамлакат бўйлаб ва хорижга эллади. Почта ўтказмалари, тўловларни амалга ошириш, омонат ва жорий почта ҳисобларига хизмат кўрсатиш унинг асосий фаолият йўналишларидир. Бундан ташқари, интернетга улашиш, автоматик ҳужжат айланиши, электрон кўринишда маълумот алмашиш, сўғурта хизматлари, акциялар ва қимматбаҳо қоғозлар савдоси каби соҳалар ҳам почтага бегона эмас.

Айтиш керакки, Черногориядаги ҳар қандай почта бўлими бир пайтнинг ўзида савдо дўкони вазифини бажаради — унда почтага тааллуқли ва бошқа моллар сотилади. Лотерея чипталари, газеталар, маркалар, самолёт ва поездларга чипталар, телефон карталари ва бошқалар шулар жумласига кирилади. Жами 140та почта бўлиmidан иборат Черногория почтаси тармоғига 1000 киши хизмат кўрсатади.

ALOQA OLAMIDA

INTERNET

ХАВФЛИ ВА ХАВФСИЗ ДОМЕНЛАР

Киберхавфсизлик тизимларини яратишга ихтисослашган McAfee компанияси навбатдаги ҳисоботини эълон қилди. Унинг мутахассислари энг юқори трафик СОМ доменда кузатилаётганини айтишди. Шу сабабданми, мазкур домен умумфойдаланишдаги энг хавфли доменлар орасида «фахрли» иккинчи ўринни ҳам банд этиб турибди. Ўз навбатида, ҳукуматнинг GOV домени энг хавфсиз муҳит сифатида эътироф этилди.

Энг хавфли доменлар орасида сайтларнинг 37 фоизи вируслар ва ва ҳоказо хакерлик тузоқлари билан тўлиб-тошган CM (Камерун), CN (Хитой, 23,4 фоиз), WS (Фарбий Самоа, 17,8 фоиз), PH (Филиппин, 13,1 фоиз) доменлари етакчилик қилипти.

JP (Япония) энг хавфсиз домен деб топилди. Бундан ташқари, IE (Ирландия), HR (Хорватия), LU (Люксембург) ва VU (Вануату) доменлари хавфсиз ҳудудлар ҳисобланади.

Тадқиқот доирасида McAfee 27 миллионга веб-сайт ва 104та юқори даражада доменни текширувдан ўтказди.

MOBIL ALOQA

Apple БЕШИНЧИ ЎРИНДА

DisplaySearch компанияси кузатувларига кўра, айни пайтда жаҳон мобил телефонлар бозорида йирик ва сифатли экран ўрнатилган аппаратларнинг бозори чаққон. Айфонлари билан бу бозорга кириб келганига ҳали унча кўп бўлмаган Apple компанияси ҳозирда ноқ пешқадамларни таъқиб қилишга тушгани бунга яхши мисол бўлади.



Жорий йилнинг иккинчи чораги якунларига кўра, iPhone смартфонлари савдоси бароридан келгани компаниянинг Sony Ericssonни орта қолдириб бешинчи ўринга кўтарилиши учун етарли бўлди. Биринчи ўриндаги Nokia ҳамда изма-из келаётган Samsung, LG ва Research In Motion компаниялари ҳам кескин рақобат муҳитида ўринларини йўқотмаслик учун янгидан-янги телефон аппаратларини чиқариш билан банд.

ЙЎЛКИРА ТЕЛЕФОНДА ТЎЛНАДИ

МТС компаниясининг маълум қилишича, жорий йил декабри ёки 2011 йил январидан унинг абонентлари Москва метро-сидан фойдаланишда мобил телефон орқали йўлқирани тўлашлари мумкин бўлади. Бунда ҳеч қандай устама олинмаслиги ҳам таъкидлаб ўтилган.



Йўлқиранинг телефон ёки банк карталарида тўла-ниши йўловчиларнинг жетон олиш учун навбат кутиб қолишларига барҳам бериш учун қўрилган чорадир. Худди шунга ўхшаш тизим сентябр ойида Нью-Йоркда ишга туширилганди. Бундан ташқари, Куала-Лумпур, Сингапур, Париж, Истанбул ва Лондонда ҳам телефон орқали тўлов тизимлари фаолият кўрсатяпти.

E-KITOB

РАНГЛИ ЭЛЕКТРОН КИТОБ

Токиодаги FPD International 2010 кўргазмасида Хитойнинг Hanvon Technology компанияси E Ink («электрон қоғоз») технологияси бўйича тайёрланган биринчи рангли букридер (электрон китоб) тақдиротини ўтказди. Қурилма iPad планшетларидан арзон бўлиб, Wi-Fi ёки 3G тармоқ орқали интернетга чиқа олади.

Ақсарият букридер ишлаб чиқарувчилари «электрон қоғоз»ни танлашади, негаки бундай экранлар жуда кам энергия талаб қилади (қурилмани зарядламасдан ҳафталаб ишлатиш мумкин), бунинг устига ундаги матнлар, масалан, LCD ёки суюқ-кристалл экранларга қараганда анча аниқроқ намоён бўлади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



“Иқбол” гуруҳи ғолиб

Ватанимизнинг куч-қудрати, салоҳияти, гуллаб-яшнаши, халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятининг юксаклиги, ёруғ истиқболимиз таълим-тарбия билан бевоҳита боғлиқдир.

Шу ўринда “Баркамол авлод йили Давлат дастури” билим ва маънавиятни улуғловчи ҳар бир ахборот-кутубхона марказлари учун дастуриламал бўлмоқда. Бу борада дастурда белгилаб берилган чора-тадбирлар бўйича олиб борилаётган эзгу ишлар ўзининг юксак самарасини беришти.

Ўғил-қизларни пухта билим, мустақил фикр, соғлом ва теран тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш, бу борада китобларнинг ўрни нақадар беқиёс эканлигини ёшлар онгига сингдириш, уларнинг кўнглида китобга бўлган муҳаббатни янада ошириш мақсадида Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида “Соғлом авлод

буюк ишларга қодир” мавзусида интеллектуал ўйин ўтказилди. Тадбирда шаҳардаги 36-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Икки гуруҳдан иборат “Истиқлол” ва “Иқбол” жамоалари иштирокчилари ахборот-кутубхона маркази томонидан тайёрланган турли фан соҳаларига оид саволлар бўйича ўзаро беллашдилар. Беллашув давомида уларнинг деярли барчаси маънавий, маърифий, сиёсий жараёнлар ҳамда миллий қадриятларимиз бўйича яхши билимларга эга эканлиги яққол сезилиб турди. Беллашувда 9-синфнинг “Иқбол” гуруҳи ўқувчилари пешқадамлик қилди ва ғолибликни қўлга киритди.

Тадбир якунида ахборот-кутубхона маркази директори Г.Исмоилова иштирокчиларни ғалаба билан табриклаб, Юртбошимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган катта имкониятлар, “Баркамол авлод йили Давлат дастури” асосида амалга оширилаётган ишлар ва яратилаётган бундай имкониятларга жавобан мамлакатимиз ёшлари томонидан эришилаётган улкан ютуқлар тўғрисида маълумот берди. Тадбир иштирокчиларини ўз Ватанига содиқ, ҳар томонлама комил ва билимли инсонлар бўлиб етишишига омад тилаб, маънан етук бўлиб ўсишларида китобларнинг беминнат дўст эканлиги, ахборот-кутубхона маркази манбалари эса доимо ёшлар ихтиёрида эканлигини яна бир қарра эслатиб ўтди.

Мусобақа иштирокчиларига ахборот-кутубхона маркази томонидан эсдалик совғалари сифатида китоблар тақдим этилди.

**Н.МАШРАБОВА,
АКМ илмий-услубий
бўлими етакчи
кутубхоначиси**

Касб-хунара коллежимиз ёшлари фақат ўзлари танлаган йўналиш сирларини ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, тафаккурларини бойитиб боришга ҳам интилишмоқда. Бунда бизнинг ахборот-ресурс марказимиз ўрни сезилиб турибди.

Китобсеварлик руҳида

Гап шундаки, жамоамиз сафи соҳанинг чинакам жонқуярлари билан тўлдирилган. Улар замонавий технологиялар асосида фаолият кўрсатишяпти. Мавжуд олтига компютер малакали мутахассисларга бириктирилган.

Коллежда ўтиладиган дарсликлар ва бадий адабиётларнинг электрон вариантлари талаба-ёшларга ҳар томонлама қулайлик яратмоқда. Бу борада ходимларимиз энг яқин кўмакчига айланган. Айниқса, Назира Тиловова, Дилором Тўраева ҳамда Ойимгул Жўраева ўзларининг касбий одоби ва давр талабига мос фидоийликлари билан алоҳида ажралиб турмоқда.

Маълумки, ёшлар қалбида китобсеварликка ҳавас уйғотиш, қолаверса, уни энг яхши даражада шакллантиришга бир ёқлама ёндашиш кифоя эмас. Шу боис жамоамиз билан турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга ҳаракат қилияпти. Хусусан, энг улуғ, энг азиз неъмат — истиқлол

сабаб қайтиб келган қадриятлар билан боғлиқ амалий ишларимиз эътиборга лойиқ бўлмоқда. Қувончлиси, бундай тадбирларимиз иштирокчилари бевосита ахборот-ресурс марказимизнинг фаоллари ҳисобланишмоқда. Натijaда касб-хунара коллежи талабалари халқимизнинг азалий байрами Наврўз ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишмоқда. Элимизга хос урф-одатлар, расм-рўсмларнинг бекиёслигини билишмоқда. Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби жалид адабиёти намоёндаларининг эрк ва ҳурлик истаб курашганларини илғаб олган ҳолда улар билан ҳақди равишда фахрланишяпти.

**Абдували ТўРАЕВ,
Сурхондарё вилояти Қазирек
қишлоқ ҳўжжалик касб-хунара
коллежи АРМ раҳбари**

Баркамол авлод ёшлари

Мамлакатимизда 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эътироф этилиши, айниқса, таълим соҳаси вакиллари олдида масъулиятли вазифаларни юклаганига қолмай, Давлат дастури ижросини таъминлашда ўзларининг ҳам иштироки беғоғлиқ зарур эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ничина ТАТУ Қарши филиалида бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида филиал директори Одиббек Турғунов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида аҳолини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқитиш тизимини ташкиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалар комплексининг 2010 йил 18 мартдаги мажлиси баённомасида Тошкент ахборот технологиялари университетини зиммасига ҳам маълум масалалар юклатилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда филиалда жалб қилинган ўқитувчилар семинар ўқув режаси, дастури ҳамда инструктор ўқитувчиларни тайёрлаш графити асосида кўрсатилган мuddатларда ўқув семинарлари ташкил этилган ҳамда етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда муҳим бўлган ахборот-коммуникация технологияларининг истиқболларини ёшлар ўртасида янада яхши-

лаш мақсадида Қарши туманидаги лицей, касб-хунара коллежлари ва мактаблардаги ёшлар компютер саводхонлигини ошириш мақсадида филиал профессор-ўқитувчилари томонидан курслар ташкил этилган.

Филиал “Маънавият ва маърифат” бўлими ва “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан биргаликда талабалар учун қизиқarli ва фойдалу бўлган турли тадбирлар ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Миллий ғоя ва юксак маънавиятли шахсни шакллантириш мавзусига доир ва алоҳида саналар ҳамда байрамларга бағишлаб ўтказиладиган тадбирлардан ташқари, филиалда Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 2007 йил 2 майдаги 8/07-қарори асосида тасдиқланган “2007-2010 йилларга мўлжалланган наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва айриқонуний айланишига қарши кураш комплекс тадбирлари” Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги “Ижти-

мой-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори ижросини таъминлаш борасида филиалда мазкур соҳалар мутахассислари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Бугунги кунда республикаимизда кўпгина сайтлар мавжуд. Шулардан бирининг муаллифи Акмал Сайдалиев. У ТАТУ Қарши филиали 3-босқич талабаси. Акмал Қашқадарё вилояти фермер ҳўжаликлари уюشمаси фаолиятини баён этувчи fxu.qv.uz сайтини ишлаб чиқди. Сайти “Асосий қисм”, “Қонунлар”, “Вилоят фермерлар сони”, “Буҳаттерия”, “Низом”, “Мини технологиялар”, “Фермер йўналиши”, “Уюшма фаолияти”, “Янгиликлар”, “Фотогалерея” бўлимларидан ташкил топган.

Сайт билан мулоқот қилиш қулайлик даражасини ошириш учун ўзбек, рус, инглиз тилларида маълумотлар берилган ва қизиқтирган саволлар билан муурожаат қилиш учун мулоқот ойнаси ташкил этилган.

Талабаларимизнинг 2009 йилдаги ютуқлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, 2-босқич ИАТ 21-гуруҳ талабаси Акмал Шерматов “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси”га фалсафа фанидан электрон қўлланма яратди.

Анвар Бердиев “Келажак овози” танлови вилоят босқичида компютер билан тақдирланди. “Келажак овози” танловининг республика босқичида “Web-dizayn” йўналиши бўйича “Nefi va gaz” электрон ўқув қўлланмасини яратиб, магистратурага давлат гранти асосида ўқишга йўланма олди. Бундан ташқари, у “Матн муҳаррири” ўзбек тилида (Word дастурига асосан тузилган) дастур ҳамда Қашқадарё бошқоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институти WWW.urug'chilik.kut.1.ru. расмий сайтини яратди.

“Келажак овози” танловининг “Фотосоп” йўналиши бўйича 2-босқич талабаси Шухрат Ўроков 1-ўринини олди. Лазиз Нортўраев ахборот технологияларидан профессионал футбол клублари фаолияти самандорлигини оширишда фойдаланиш мавзусида битирув малакавий иш қилди.

Алфия Юмакаева HTML ва Java Script ёрдамида Қарши шаҳри шифохонаси web-сайтини яратди.

Жасур Исмолов “Интерференция турлари ва уларни бартариф этиш” мавзусида изланишлар олиб бормоқда.

Янгиликка интилувчан талабамиз Феруза Очилова таклиф этаётган “NEW STILE” номли янги кўринишдаги клавиатура клавишалари сони кўп бўлса-да, фойдаланувчининг ўзлаштириши осон бўлади. Ушбу клавиатура кирилл алифбоси ҳарфлари, латин алифбоси ҳарфлари, титиш белгилари, махсус белгилар, функциялар бўлимларига бўлинган.

Ҳарфлар алифбо бўйича тартибланган, яъни фойдаланувчи алифбо ҳарфлари кетма-кет жойлашшини ёддан билса, ҳарфларни қидириб вақт сарфламайди. Кирилл ва латин алифболарининг алоҳида бўлимга бўлинишининг яна бир қулайлиги шундан иборатки, бир тилдан бошқа тилга ўтишда ALT+SHIFT клавишалар комбинацияси билан фойдаланишга ҳожат қолмайди.

Жаннатмонанд юртимизда иқтидорли, изланувчан, ташаббускор, билимга чанқоқ ёшларимиз кўплиги қувонарли ҳол, албатта. Филиалимиз ёшлари ҳам ана шундай ёшлар қаторидан жой олганлардан фахрланаман. Келажакда талабаларимизни бунданда кўпроқ билимга эга бўлишларида, юқори чўққиларни забт этишларида ишонаман.

Афтондил ИСМОИЛОВ ёзиб олди



Давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

“Тезлик” – “Билайн” дан

“Билайн” (“Юнител” МЧЖ ва “Бузтон” КК) интернет тармоғига симли кенг тармоқли киришдан фойдаланувчилар учун янги тариф линейкасини тақдим этади. “Тезлик” тарифлари – бу ажратилган линияда 2 Мб/сек гача тезликдаги арзон нархдаги баркарор улаштирилади.

— Биз “Beeline” интернет-фойдаланувчилари тўлаётган пуллари эвазига энг зўр тезликдаги трафикдан кўпроқ фойдаланишлари учун қайгурдик, — дейди “Юнител”нинг оммавий бозорни ривожлантириш бўйича тижорат директори Марат Сериков. — Интернет тармоғининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириш нархларни арзонлаштиришга имконият берди ва бу бизнинг ҳисобимиз бўйича мамлакатни интернетлаштириш суръатини янада тезлаштиради.



Янги линейка бешта тариф режасидан иборат: “Тезлик 1” (тезлиги – 256 Кбит/сек, трафик ҳажми – 350 Мб, абонент тўлови – \$10), “Тезлик 2” (тезлиги – 512 Кбит/сек, трафик ҳажми – 800 Мб, абонент тўлови – \$15), “Тезлик 3” (тезлиги – 1024 Кбит/сек, трафик ҳажми – 2000 Мб, абонент тўлови – \$25), “Тезлик 4” (тезлиги – 1024 Кбит/сек, трафик ҳажми – 3000 Мб, абонент тўлови – \$35), “Тезлик 5” (тезлиги – 1024 Кбит/сек, трафик ҳажми – 5000 Мб, абонент тўлови – \$50).

Оптик толали линия (ФТТБ) орқали уланган абонентлар учун “Тезлик 3”, “Тезлик 4” ва “Тезлик 5” тарифларида тезлик 2048 Кбит/сек га тенг бўлади.

“Билайн” ишончли тўлов суммасини оширмоқда



“Билайн” ягона алоқа оператори ўз абонентлари учун ишончли тўловлар суммасини оширмоқда. Сўнгги уч ой давомида абонент алоқа хизматларига ўртача ҳисобда қанча сарфлаганига кўра, энди унинг ҳисоби \$0,3 дан \$2,5 гача, сўмли тариф режасида эса – 500 дан 4200 сўмгача тўлдирилиши мумкин.

Мазкур воқеани шарҳлар экан, “Юнител”нинг оммавий бозорни ривожлантириш бўйича тижорат директори Марат Сериков шундай таъкидлади: “Ишончли тўлов” хизмати икки йил давомида ўзининг талабгорлигини исботлай олди ва биз мазкур йўналишда яна бир қадам қўймоқдамиз. “Билайн”нинг абонентлари ҳар қандай вазиятда алоқада бўлишларидан хотиржам бўлишлари мумкин”.

“Ишончли тўлов” уч кун муддатта тақдим этилиб, бу муддат туганидан кейин, мазкур сумма сарфланган ёки сарфланмаганидан қатъи назар, абонент ҳисобидан автоматик тарзда ечиб олинади. Хизматни ишга тушириш учун 064046 бепул рақамга кўнғироқ қилиш керак, тўловни қарзга олиш учун эса ўз телефонингиздан *141# (қақурув) кодини терсангиз бас.

Ўзбекистоннинг энг йирик мобил алоқа оператори “МТС-Ўзбекистон” компанияси ўз абонентларини янги биллинг тизимига ўтказиш бошланганини эълон қилди. Унда онлайн-тарифлаш имконияти бўлиб, у MSTSP IN-платформаси ва FORIS OSS биллинг тизимига асосланган.

“МТС-Ўзбекистон” янги платформани ишга туширмоқда



Абонентларни янги ҳисоб-китоб тизимига ўтказиш лойиҳаси МТС гуруҳининг реал вақт тартибида тарифлаш ва овозли хизматлар билан бир қаторда абонентларга қўшимча сервислардан фойдаланиш имконини берадиган IN-платформа – ускуна ва дастурий комплексларнинг таъминловчиларни уйғунлаштириш стратегияси доирасида амалга оширилмоқда.

Янги платформага ўтиш Ўзбекистондаги МТС абонентларига ўз балансларини реал вақт тартибида кузатишларига имконият яратди. Яъни ҳар бир пулик хизматдан сўнг, абонент ўз ҳисобидан кетган маблағни он-лайн тартибида билиб олади, ҳисобда маълум бир даражада пул қолганда эса (ҳозирча камида 0.5\$) абонент ўз ҳисобини тўлдириши кераклиги ҳақида хабардор этилади. Бундан ташқари, янги платформага ўтгандан сўнг, абонентлар қуйидаги хизматлардан фойдаланишлари мумкин:

«Ижобий нол» – агар абонент қарзи \$0.10 дан ошмаган бўлса, ҳисобда пул бўлмаса ҳам кирувчи бепул кўнғироқларни ва SMSларни қабул қилиши мумкин;

«Ишончли тўлов» – бўлғуси тўловлар ҳисобидан 3 кун давомида алоқа хизматларидан фойдаланишни давом эттириш учун ўз ҳисобига пул ўтказиш имконияти.

Шунингдек, абонентларда овозли портал (IVR) ва ISSA (ҳозирги “Шахсий кабинет” аналог) каби ўзига ўзи хизмат кўрсатишининг янада қулайроқ тизимлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, “МТС-Ўзбекистон” абонентлари янги платформага босқичма-босқич ўтказилади, ўтказилишдан аввал ҳар бир абонент унинг рақами янги платформага ўтказилаётгани ҳақида хабардор этилади, унинг рақами янги платформага ўтганидан кейин эса тегишли SMS-хабар олади.

“МТС-Ўзбекистон” тармоғида татбиқ этилаётган тизим ҳозирги вақтда энг илгор ечимлардан бири бўлиб – абонентлар билан нафақат ҳисоб-китоб қилишининг тезкорлигини ошириш, бу эса ўз навбатида абонентларга реал вақт тартибида ўз ҳисобини назорат қилишни, балки янги имкониятларни очиб беради, чунки янги платформа абонентларга кўрсатиладиган хизматлар қўламини кенгайтиради», — деб изоҳ берди “МТС-Ўзбекистон” компанияси бош директорининг ахборот технологиялари бўйича ўринбосари А.Раҳимов.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 48-бандига асосан, “АНДИЖОН ВИЛОЯТ КАБЕЛ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ” масъулияти чекланган жамиятнинг (Андижон ш.) теледастурларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000964 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 5 ноябрдан тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“FARG’ONA KABEL TELEVIDENIYASI” масъулияти чекланган жамиятнинг (Фарғона ш.) аризасига асосан теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001552 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 1 ноябрдан тугатилди ва мазкур лицензиянинг муддатига мос равишда теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига лицензия расмийлаштириб берилди;

“VASCO TECHNOLOGY SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига асосан кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига АА серияли 0002823 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 1 ноябрдан тугатилди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!


“Қорақалпоқ Телеком” филиал жамоаси филиалнинг 225-АТС оператори Нағима БОБО-ЕВЛани муборак 50 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту иқболини кўришликни тилайди.

Сурхондарё вилояти радиотелевидение узатиш маркази жамоаси Олтинсой туманидаги Вахшвор станцияси ишчиси Нусрат РАҲМАТОВни 60 ёшга ва марказнинг девонхона мутахассиси Шафоат БУТАЕВни 50 ёшга тўлгани билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаб қолади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Бағдод почта алоқаси тармоғи ходими Ҳасан ҚУЛДОШЕВни 60 ёши, Олтиариқ почта алоқаси тармоғи ходими Эсажон НУРИБОВни 55 ёши, Учкўприк, Яйпан, Қорақўшиччи почта алоқаси тармоқлари ходимлари Қосимхўжа МАВЛОНОВ, Мария ЖАЛИЛОВА, Муҳиддин ЖАЛИЛОВларни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

Бугунги кунга келиб, ахборот-коммуникация технологиялари жуда тез суратлар билан ривожланмоқда ва уларни халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида жорий қилинишига катта эътибор қаратилмоқда.

Янги лугатлар



Технологияларнинг тез ривожланиши ва янги аппарат воситалари ҳамда дастурий маҳсулотлар яратилиши натижасида янги атамалар пайдо бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, Атамашунослик ва лугатлар хизматида соҳага кириб келадиган янги технологияларга оид атамаларни тўplash, тартибга солиш ва давлат тилига таржима қилишдек муҳим вазифаларни юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Фан” нашриётида Атамашунослик ва лугатлар хизмати томонидан соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тўртта изоҳли лугат чоп этилди.

Сўнги йилларда радиотехник қурилмаларнинг қувватини, ишлаш масофасини, фойдаланиш қулайлигини, тежамлилигини ошириш, шунингдек, сифатли радиоулаштиш ва радиоқабул қилишни ўрнатиш, электромагнит тўқинларнинг янги диапазонларини ўзлаштириш ва уларнинг янада аниқ тақдим этилишига эришиш мақсадида радиотехника соҳаси йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Соҳа мутахассислари томонидан турли давлатлар ҳамда ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг радиотехника, радионазорат воситаларини монтаж қилиш ва мониторингини қўллаш, шунингдек, уларни эксплуатация қилиш жараёнида радиотехника ва радиоўлчашларга тааллуқли

атамаларни билиш талаб этилади. Юқоридаги мулоҳазалар асосида “Радиотехникага оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли лугати”ни ишлаб чиқиш зарурати юзага келди. Лугат алифбо тартибда жойлаштирилган 600дан ортиқ атама ва унинг таърифини ўз ичига олган.

“Коммутация тизимлари оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли лугати” Атамашунослик ва лугатлар хизмати, шунингдек, “UNICON.UZ” ДУК мутахассисларининг меҳнати самарасидир. Лугатни тузишда техникага оид адабиётлар ва ўқув қўлланмаларидан, Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи тавсияларидан ҳамда интернет материалларидан фойдаланилди. Лугатда телекоммуникациялар тармоқлари ва уларнинг четки (телефон) қурилмалари, коммута-

ция (телефон) ускунаси, коммутация майдони ускунаси, коммутация асбоблари оид мавзулар бўйича алифбо тартибда жойлаштирилган 600 дан ортиқ атама таърифи билан келтирилган.

Ўлчаш тизимлари ва тармоқни бошқариш замонавий алоқа тармоқларининг мажбурий элементлари ҳисобланади, уларнинг ёрдамида тармоқ реконфигурацияси, алоқа тизимлари параметрларининг узлуқсиз мониторинги, авария ҳолатларини қайд этиш, ҳимоя қиладиган улашлар, мониторинг натижаларини сақлаш ва қайта ишлаш вазифалари ҳал этилади. Барча кўрсатилган амалиётлар автоматик равишда, ўрнатилган аппарат ва дастурий воситалар ёрдамида бажарилади. Алоқа ва ахборот-лаштириш соҳаси мутахассислари томонидан телекоммуникациялар техник воситалари

параларини ўлчаш методларининг, шунингдек, турли давлатлар ва ишлаб чиқарувчи фирмалар ўлчаш воситалари-

қондириш учун симсиз алоқа турли технологияларининг мажбур бўлиш зарурати тобора равшанлашиб бормоқда. Тармоқлар ва хизматларнинг, ҳозирги вақтда юз бераётган конвергенция жараёни, кўрсатилган тармоқларда фойдаланиладиган элементлар ва процедураларни белгилувчи кўп сонли атамаларнинг тушунилишини, бундан ташқари, турли мамлакатлар ва ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг симсиз фойдаланиш тизимларини монтаж қилиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг биргаликда ишлашини таъминлаш, симсиз тизимлар соҳасида махсус атамаларнинг бир хил талқин қилинишини талаб этади. Буларнинг барчаси симсиз фойдаланиш тизимлари бўйича атамаларнинг изоҳли лугатини яратиш зарурлигини тақозо қилди. “Симсиз фойдаланиш тизимлари оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли лугати” алифбо тартибда жойлаштирилган 400га яқин атама ва унинг таърифини ўз ичига олган.

Ўлчаш тизимлари ҳамда уларнинг бўлиши талаб этиди. Айнан шулар “Телекоммуникацияларда ўлчашларга оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли лугати”ни яратиш заруратини белгиледи. Лугатда алифбо тартибда жойлаштирилган 600 дан ортиқ рус ва ўзбек тилларидаги атамалар таърифлари ҳамда шу атамаларнинг инглиз тилидаги муқобиллари келтирилган.

Симсиз технологиялар қўлланиладиган ҳам тез ва кенг қамров билан дунёда тарқалиб бормоқда. Симсиз тармоқлардан ҳамма ерда фойдаланиш, бирор-бир технологиянинг устун бўлишини, унинг глобал тарқалишини тақозо қилмайди. Аксинча, охириги фойдаланувчиларнинг эҳтижларини

Лугатлар республикада биринчи марта нашр қилинмоқда ва улар мутахассисларнинг кенг доирасига, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси илмий-техник ходимларига, ўқитувчиларга, аспирантларга, талабаларга, шунингдек, тегишли соҳалар бўйича хорижий алабиётлар билан ишловчи таржимонларга мўлжалланган.

Е.АХМЕДОВА,
“UNICON.UZ” ДУК
Атамашунослик ва лугатлар хизмати бошлиғи

Янги нашр:

“XXI ASR TECHNOLOGIYALARI”

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси маъражларида чоп этилган “XXI asr technologies” журнаlining тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Маъмур журнал Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги “Барқамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 майдаги 83-қарорлари асосида ташкил этилган бўлиб, 12-18 ёшдаги болалар ва ўсмирларга мўлжалланган илмий-техникавий, маънавий-маърифий, оммабоп нашр ҳисобланади.



Журнал болалар ва ўсмирларнинг ижодий ҳамда интеллектуал салоҳиятини оширишга қўмаклашиш, уларни замонавий илм-фан ва технология ютуқлари, янгиликлари билан изчил таништириш, мамлакатда фан ва технологияларни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини, замонавий технологияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳонда ушбу соҳада рўй бераётган сўнги ўзгаришлар ва янгиликларни кенг тарғиб қилиш, иқтидорли ёшларни замонавий технологияларга асосланган ягона

милий ахборот маконини яратишга ҳамда XXI аср технологияларини шакллантиришнинг назарий-амалий жараёнларига фаол жалб этиш, турли мавзулардаги илмий-техникавий мақолалар, ёшлар ижодиётининг энг илғор намуналарини ёритиш, иқтисодиёт тармоқларидаги юқори технологиялар, конструкторлик ишланмалари ва илмий-амалий изланишлар натижалари, уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари тўғрисидаги маълумотларни мураббийлар, устозлар, мутахассислар ва ёшлар ўртасида оммабоп тарзда тарғиб қилишни мақсад қилиб олган. Журналда “Технологик тараққиёт оидимлари”, “Келажак мўъжизалари”, “Техноустахона”, “Фан олами”, “Тадқиқот ва таҳлил”, “Янги технологиялар”, “Оламшумул кашфиётлар”, “Тенгдошларнинг ижоди” каби руҳларда республикамиз ва дунёда яратилган янги технологиялар, фан ва техника янгиликлари ҳамда олимлар, мутахассислар, мураббийлар, ўқувчилар, журна-

лист, ёзувчи ва шоирларнинг чиқишлари, илмий-оммабоп мақолалари, бадий-фантастик асарлари, фикр-мулоҳазалари ва тақлиф-истаклари мунтазам эълон қилиб борилади.

Тақдимот маросимида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Республика халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков, “XXI asr technologies” журнаli тахририяти давлат қорхонаси бош директори Н.Рамазонов ва бошқалар журналнинг нишона сони билан барчани табриклашиб, келгусидаги вазифалар ҳақида сўз юритиши ва ўз тақлиф-тавсияларини билдириши. Тадбирда журналнинг илк сонини акс эттирувчи слайдлар намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз



“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиалининг Сўх тумани Равон почта алоқаси тармоғи ҳамда унинг таркибдаги мавжуд бта алоқа бўлимида 2011 йил матбуот нашрларига обуна ишлари зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Обуна қизғин

— Бугунги кунда муштарийлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйганимиз ҳамда туман ҳокимлиги томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдам туфайли обуначиларимиз сафи тобора кўпаймоқда, — дейди обуна қабул қилиш бўлими ходими Абдурахмон Юсупов. — Туманимиздаги қорхона, ташкилот, мактабгача таълим муассасалари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, нафақа олувчиларимиз, ҳарбий қисмдаги меҳнат жамоалари ўзлари севиб ўқийдиган матбуот нашрларига яқдиллик билан обуна бўлишаётир.

“Халқ сўзи”, “Овози тожик”, “Ишонч”, “Маърифат”, “Вазият”, “Инсон ва Қонун”, “Хуқуқ”, “Фарғона ҳақиқати”, “Алолат йўли”, “Меҳр ёғдуси”, “Салои сўх”, “Ватанпарвар”, “Xabar” сингари газеталарга обуначиларимизнинг иштиёқи баланд.

Тармоқда иш юритаётган барча ходимларнинг диққат-эътибори обуна мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, обуначилар сафини кенгайтиришга қаратилган. “Тул”, “Ленбург”, “Чумоқча”, “Сариканда”, “Хушёр”, “Қизилқиек” алоқа бўлимида бу иш намунали йўлга қўйилган. Орифжон Эргашев, Суҳбатжон Тўйчиев, Баротжон Орипов, Усуфжон Отахонов, Зафар Полвонов каби хабарчиларнинг бу ишда хизмати беқўёсдир.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ

Тошкентда ўтказилган 16 ёшгача ўсмирлар ўртасидаги футбол бўйича Осиё чемпионати якунига етди. Финалда мамлакатимиз ўсмирлари шимолий корейлик тенгқурлари билан куч синашди.

Кумуш билан кифояландик



Тан олиш керак, «Пахтакор» марказий стадиони янги таъмирдан чиқарилганидан сўнг мухлислар билан бунчалик тўлиб-тошмаганди. Ҳеч қачон бунчалик кўп мухлис қаршисида тўп сурмаган футболчиларимиз ҳам, ўз навбатида, ҳаяжон ва ўзгача масъулият билан рақиб дарвозаси томон қаторасига хавфли ҳужумлар уюштира бошлади. Гарчи футболчиларимиз зиммаларидаги асосий вазифа — келаси йили Мексикада бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиб бўлишган эсада, улардан фақат ва фақат ғалабани кутгандик. Бироқ аксинча бўлиб чиқди. Бунда қайсидир маънода мусобақани бошқарган эронлик ҳакамнинг «ҳиссаси» катта бўлди. У дастлаб биринчи тайм бошланар-бошланмас жамоа-

миз сардори Аббос Махситалиевни сариқ карточка билан «сийлади». Бу ҳам етмаганидек, биринчи таймининг 31-дақиқасида яна бир футболчимизни рақибга кўпол ўйнади дея майдондан четлатди. Майдонда камчилик бўлиб қолиш иккинчи таймда ўз салбий оқибатини кўрсатди. Бундан самарали фойдаланган рақиблар энди ўзлари ҳам қарши ҳужумлар уюштира бошлашди ва ўйин охирида захирадан майдонга тушган Чжо Кваннинг ёрдамида ўзбекистонликлар дарвозасига биринчи тўпни киритишди. Вакилларимизнинг ечимини топмаган комбинациялари, нотўғри тўп узатишлари вақтдан ютаётган корейслар фойдасига ўйнади. Рақиб томонидан киритилган иккинчи гол ўйинга мантиқан якун ясади. Чунки курашиш учун вақт ҳам, етарли куч ҳам қолмаганди (жамоа сардори Аббос Махситалиев ҳам ҳакам қароридан сўнг майдонни тарк этганди).

ЎЗБЕКИСТОН — КХДР — 0:2
Голлар: Ри Кванг-Ил 72, Чжо Кванг 85.

Четлатишлар: Сардор Раҳмонов 31, Аббос Махситалиев 85.

Спортчиларимиз

Гуанчжоуга жўнаб кетди

Ўзбекистон спорт делегацияси 12-27 ноябр кунлари бўлиб ўтадиган XVI Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрига жўнаб кетди.

Осиё ўйинларида қўшмаизнинг қирқ бешта мамлакатдан келган ўн мингдан зиёд йигит-қиз спортнинг 42 тури бўйича 473та медаллар шодаси учун кураш олиб борди. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг 224 спортчиси 29та спорт турида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Масъулиятли

бахслар олдинда

Осиё ўйинлари доирасидаги футбол мусобақалари бошланиб кетди. Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги олимпиячиларимиз «Е» гуруҳида БАА, Бангладеш ва Гонконг жамоаларига қарши кейинги босқич йўлланмаси учун курашмоқда. Дастлаб бангладешликларни 3:0 ҳисобида доғда қолдирган футболчиларимиз иккинчи турда кутилмаганда Гонконг футболчиларига имкониятни бой бериб қўйишди (0:1) ва ўз олдиларидаги вазифани мушкуллаштиришди. Чунки гуруҳнинг сўнгги ҳал қилувчи учрашувида уларни энг кучли рақиб — амирликлар футболчилари кутишмоқда. Ҳозирча тўрт очкодан тўплаган БАА ва Гонконг жамоалари 1 ва 2-ўринларда бормоқда. Уч очкога эга Аҳмад Убайдуллаев жамоасига ғалаба сув билан ҳаводек зарур.

Ўтганларнинг охириги обод бўлди

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ҳафиза Каримовага акаси

Олтимышбой Қўлдошевнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Республика ахборот-кутубхона маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Ҳафиза Каримовага акаси

Олтимышбой Қўлдошевнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.



Самбо бўйича

Жаҳон
 чемпионати
 якунланди

Халқаро хаваскорлар самбо федерацияси (FIAS) кўмағида Ўзбекистон спорт ва маданият ишлари

вазирлиги ва республикаимиз самбо федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада қирқдан ортик мамлакатдан 500дан зиёд самбочи медаллар учун курашди.

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси мезбонлик қилган жаҳон чемпионатининг жанговар самбо баҳсларида ҳамюртимиз Саттор Эргашев жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Вазни 52 килограммгача бўлган полвонлар баҳсларида у ярим финалда қозоғистонлик Олмос Сулаймоновни, финалда россиялик Анатолий Стишакни мағлубиятга учратди.

Жанговар самбо йўналишида ҳамюртларимиз Элдор Ғуломов ва Зафар Расулов кумуш, Илҳом Сотиболдиев, Алишер Тўраев, Фурқат Рўзиев ва Сардор Шовриқовлар бронза медаллар соҳиблари бўлишди. Бу медаллар шодаси биринчи рақибларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринга кўтарилди.

Самбо беллашувида юртдошимиз Шавкат Жўраев кумуш, Азамат Турданов, Шўҳрат Бобоев ва Олим Худойқуловлар бронза медалларни қўлга киритишди. Хотин-қизлар ўртасида Ўғилжон Рўзиметова, Соҳиба Эштемирова, Обида Олладўстова ҳамда Гуласал Ҳайдарова шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Теннисчимизнинг ғалабаси

Туркияда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасидаги Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида ўрин олган «Анталия-2010» халқаро турнирида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Нигина Абдураимова жуфтлик беллашувида бош совринни қўлга киритди.

Н.Абдураимова ва россиялик М.Сироткина дуэти туркиялик Ж.Анил ва Э.Бенлини 6:1, 6:1, россиялик Д.Салникова ва болгариялик Ж.Стаматовани 6:2, 6:3, болгариялик опа-сингил теннисчилар — Хулия ва Лутфия Велиеваларни 6:4, 6:3, ҳал қилувчи беллашувда россияликлар — Ю.Самусева ва Е.Яковлевалар жуфтлигини 3:6, 6:1, 10:7 ҳисобида мағлуб этди.

Жаҳон чемпионати

«Коринтианс»да очилади

Бразилия 2014 йилги жаҳон чемпионатини қабул қиладиган янги стадионларини ишга туширишда давом этмоқда. Мисол учун, «Коринтианс» клуби ФИФА талабларига жавоб бера олиши учун ўз уй стадионини таъмирдан чиқариш ниятида.

Стадионнинг сизими ҳозирги 45 мингдан 65 минггача кўпайтирилади. Маълумотларга кўра, кейинги мундиалнинг очилиш учрашуви айнан шу ерда бўлиб ўтади.

Таъмирлаш ишлари келаси йилнинг март ойида бошланиб, 2013 йилнинг сўнгида якунига етиши кутилмоқда. Айни вақтда арена реконструкцияси учун зарур бўлган маблағ ҳисоблаб чиқилмоқда.

«Барселона» —

энг кўп мухлисга эга жамоа

Каталониянинг «Барселона» жамоаси Европанинг энг кўп мухлисга эга жамоаси дея эътироф этилди. «Кўк-аноранглилар»нинг ҳар бир ўйинини кузатиш учун ўртача 83 100 томошабин стадионга ташриф буюрар экан.

Иккинчи ўринда Дортмунднинг «Боруссия» жамоаси. Немис жамоасининг ўйинини кузатиш учун стадионга ўртача 75 688 мухлис ташриф буюради. Бу бордада учинчи кўрсаткични «Олд Траффорд» эгалари — «Манчестер Юнайтед» жамоаси эгаллаб турибди. Ўртача қўллаб-қувватловчи мухлислар сони — 75 200та.

Таъкидлаш лозимки кучли ўттизликка кирган жамоалар ичида энг кўп вакил Германия чемпионати жамоалари саналишади. Улардан 11 жамоа ТОП-30дан ўрин эгаллаган. Шунингдек, олтинга Англия ва тўртта Испания жамоалари ҳам бу рўйхатдан жой олишган.

Кучли ўттизликка кирган жамоалардан фақатгина биттаси Европа миллий чемпионатларининг олий дивизионига тўп сурмайди. Бу жамоа Берлиннинг «Герта» жамоаси бўлиб пойтахтликларнинг Оберлигадаги ўйинларини кузатиш учун стадионга ўртача 40 417 томошабин келади.



HAYOT SABOQLARI

Қалолликка нима етсин

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Биринчи уяли телефон қачон сотувга чиқарилган?

“Xabar”нинг 44 (939)-сонда эълон қилинган “Ўзбекистонда илк нодавлат телеканал қачон иш бошлаган?” саволига жавоб:

Ўзбекистонда илк нодавлат телеканал — “STV” Самарқанд шаҳрида фаолият бошлаган.

Фойдали маслаҳатлар

- Гиламдаги ёғ доғларини кетказиш учун доғни бензинга ботирилган ёғоч қириндиси билан яхшилаб артиш керак. Тозаланган жой совунли сув билан ювиб ташланади.
- Никел ва кумуш буюмлардаги доғларни кетказмоқчимисиз? Уларга ёғ суртиб, бир неча кунга қўйиб қўйинг. Кейин новшалил спиртта намланган латта билан яхшилаб артасиз.
- Ёнғоқ, қизил дароҳт ва эмандан ясалган ҳижоэларнинг қирилган жойлари билинмасин десангиз, ўша жойни йод билан бўяб қўйинг.

Марвариднинг мактабга қатнай бошлаганига энди бир ой бўлди. Уйда онаси барча ҳарфларни ёзишни ва ўқишни ўргатгани боис, у қийналмади. Ҳаммадан чиройли ёзиб, барчанинг ҳавасини келтирди. Ҳатто муаллимаси Марвариднинг ота-онасига ҳар ҳафта миннатдорчилик мактуби ёзиб жўнатадиган бўлди.

Бир куни синфдош дугоналари билан танаффусда ўйнаб ўтирар экан, бехосдан кўзи парта остидаги соч тўғноғичига тушиб қолди. Марваридда гарчи турли соч тўғноғичлари, ленталари кўп бўлса ҳам, бунақаси йўқ эди. “Ие, Ситоранинг тўғноғичи-ку, — ўйлади у. — Яхшиям ўзи кўрмади. Энди жим туришим керак”.

Марварид дугоналарини гап билан чалғитиб, тўғноғични оёғи билан секин ўзи томонга сурди ва дарс бошлангунча оёғи билан бекийтиб турди. Сўнг, энгашган киши бўлиб, уни секин чўнтагига солди.

— Бувижон, қаранг, қанақа чиройли тўғноғич топдим.
— Қани менга берчи, — деди буви таажубланиб набирасига тикилар экан. — Уни топиб олдингми, қаердан топдинг. Ёлгон гапириш оғир гуноҳлигини биласан-а? Қани, тўғрисини айт-чи?

Марвариднинг лўппи юзлари дув қизарди ва ҳижолатдан ерга

қараганича бўлган воқеани айтиб берди.

— Яхши иш бўлмабди, қизим, — деди буви қизалоқнинг сочларини силар экан. — Эртага мактабга боришинг биланоқ, тўғноғични ўртоғинга бер. Майли, бу аълочи қиз ўғри экан, деб ўйламасликлари учун бўлган воқеани айтмай қўяқол. Лекин бу воқеа бутун умрга сенга сабоқ бўлсин. Энди бир ҳикоя айтиб бераман, қизим. Яхшилаб эшит ва хулосани ўзинг чиқар.

Қадим замонда Абдуқаюм деган бир ҳалол инсон яшаб ўтган экан. У чўпонлик билан шуғулланар, одамларнинг молига хиёнат қилишни оғир гуноҳ деб биларкан. Шунинг учун ҳам, барча қўйларини унга ишонишиб топширишар экан. Абдуқаюмнинг ёлғиз ўғли бўлиб, у ўғлини жуда яхши кўрар, еру кўкка ишонмас экан. Ойлар, йиллар ўтиб, ўғли паҳлавон йигит бўлиб етишибди. Кўп дўстлар орттирибди. Улар билан саёхатга чиқиб, шаҳар кезибди. Бир куни у отасига дебди:

— Отажон, энди улғайдим. Қачонгача оилага фойда келтирмай кўча кезиб юраман. Рухсат берсангиз, бирор хунар ўргансам ёки бирор иш билан шуғуллансам.

Ота ўғлининг гапидан хурсанд бўлибди ва дебди:

— Бу гапингдан хурсандман ўғлим. Майли, яхшилаб ўйлаб, ўзингга маъқул келадиган бирор ишни қил.

— Мен ўйлаб қўйганман, —

дебди ўғил. — Менимча, энг осон ва сердаромад иш ўғрилиқ бўлса керак.

Ота ичидан зил кетибди, лекин буни ўғлига билдирмабди.

— Майли ўғлим, агар сенга шу иш ёққан бўлса қилавер. Яхшиси, қўшнимизнинг боқиб турган кўчқорини ўғирла-чи, эплай олсанг.

Шундай қилиб ўғил қўшнининг катта кўчқорини ўғирлаб чиқибди. Ота дебди.

— Зап иш бўлди-да, энди маза қилиб бир ҳафта уйдан чиқмай қўй гўшти еймиз. Онаси, қозонни тўлдириб гўшт қовур ҳар куни.

Аёл эрининг айтганини қилиб, бир ҳафта гўшт қовурибди. Ота-она роҳатланиб гўшт еганлари ҳолда ўғилнинг иштаҳаси бўлмабди. Кундан-кунга озиб кета бошлабди. Лаган тўла гўшт келтирилганда унинг иштаҳаси бўғилиб, хомушланаётганини кўрган ота қулибди.

— Эй нодон ўғил, — дебди у. — Нега гўшт ейлмаётганинг, есанг ҳам сингмаётгани сабабини биласанми? Мен бу қўйнинг пулини сен ўғирлашингдан бир кун илгари бериб қўйган эдим. Шунинг учун гўштни онанг билан роҳатланиб еймиз. Сенга эса ўғирлик мол гўшти тапимаяпти, аксинча, шу ишни қилганингдан сўнг ҳаловатинг йўқолди. Шундай экан, ўзингга ҳалол касб танла — роҳат-фароғатда яшайсан. Ҳалоллик — жаннат меваси, ҳаром эса дўзах кулфати эканлигини унутма. Ҳалолликка нима етсин!

М.МИРКАМОЛОВА

Хандалар

- Алло! Азизим, бу сенмисан?
- Ха, менман. Гапирётган ким?

Аёл телефон гўшагини жойига қўйди. Эр:
- Жонгинам, нима бўлди? Телефонда ярим соат гаплашдинг?!
- Э, бошқа жойга тушиб қолган экан.



КИЧКИНАЛАР КИЧКИНАСИ



Гиннес рекордлар китоби вакиллари янги рекордни аниқлаш, яъни сайёрадаги энг кичкина одам — 18 ёшли Хагендра Тапа Магарни рўйхатга олиш учун Непалга ташриф буюришти.

Непаллик кичкинтой йигитчанинг бўйи атиги 56 сантиметр, оғирлиги эса беш ярим кило, холос. У ўз қишлоғида Кичкина Будда номини олган.

Шу кунгача бу борадаги рекорд колумбиялик Эдвард Нино Эрнандесга тегишли бўлиб, унинг бўйи 70 сантиметр, вазни эса беш кило эди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван АҲЖИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар ағаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❌

Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Миязил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1002 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 10166 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёкор شوққўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукулда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 226-87-71 Қаршида 314-08-99